Тошкент оқшоми

2017 ЙИЛ 17 НОЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 225 (13.558)

Баҳоси эркин нархда

ОДАМЛАРНИНГ БУНЁДКОРОНА МЕҲНАТИНИ ҚАДРЛАБ, УЛАРГА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 17 ноябрь куни пойтахтимизнинг Сергели туманида қуриб битказилган янги уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари билан танишди.





Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда пойтахтимиздаги уй-жой муаммосига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада мутлақо янги дастур қабул қилингани, унга кўра 5 йил давомида ҳар бир туманда 20 тадан, жами 200 дан ортиқ 7 ва 9 қаватли, кўп хонадонли уй-жойлар қурилиши, янги мавзелар барча ижтимоий инфратузилма билан таъминланиши, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши, уйлар атрофи ободонлаштирилишини таъкидлаган эди.

Ушбу дастурда белгиланган вазифалар ижроси доирасида қисқа муддатда юқори натижаларга эришилди. Пойтахтимизнинг Сергели туманида ана шундай янги массив пайдо бўлди. Жорий йил бошида қурилиши бошланган уй-жойлар давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 22 ноябрдаги "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган давр мобайнида қурилиш ишларининг бориши билан бир неча бор танишди, зарур топшириқлар берди.

Илгари бу каби уйлар йиллар давомида қурилар эди. Бугун қурувчиларимиз бу борада етарли тажриба тўплаб, иншоотларни сифатли ва тез қуриб фойдаланишга топширмоқда.

13 гектар майдонда 66 кўп қаватли уй-жой қад ростлаган. 1, 2, 3 хонали бу уйлар аҳолига имтиёзли кредитлар асосида берилди. Массивда 240 ўринли мактабгача таълим муассасаси, 630 ўринли ўрта таълим мактаби, 61-оилавий поликлиника, ёпиқ сузиш ҳавзаси, шаҳар милиция бўлинмаси, почта ва китоб дўкони, дам олиш масканлари, болалар майдончалари, автомобиль турар жойлари, велотрасса барпо этилган. Хизмат кўрсатиш тармоқлари ташкил этилди, янги иш ўринлари яратилди.

Бу уйларни бировларга кўз-кўз қилиш учун эмас, аҳоли манфаатларини ўйлаб бунёд этмоқдамиз, деди Президентимиз. Шундай экан, биноларни замон талабларига мос қилиб қуриш керак. Уйларни сақлаш, улардан тўғри фойдаланиш ҳам бурчимиздир. Бу борада шу ерда яшовчиларнинг масъулиятини ошириш, уларда ўз уйи учун жавобгарлик ҳиссини кўчайтириш лозим.

Президентимиз янги хонадонларда бўлди. Яратилган шароитлар билан танишди, уй соҳиблари билан суҳбатлашди. Уларни янги хонадон билан табриклаб, совғалар тақдим қилди.

Мунаввар Камолхўжаева Учтепа туманидаги 75-ўрта мактабнинг бошланғич синфларига дарс беради. Тақдир тақозоси билан турмуш ўртоғи оламдан ўтган бу фидойи ўқитувчи уй-жойга эҳтиёжи боис жорий йил бошида ариза билан туман ҳокимлигига мурожаат қилган. Мазкур мавзеда қуриб битказилган арзон уй-жойлардаги хонадонлардан бири унга берилди. Бошланғич тўловини амалга оширган Мунаввар опа бугун уй тўйини нишонламоқда.

Янги уй соҳиблари давлатимиз раҳбари билан суҳбатда яратилган шароитлардан мамнун эканини изҳор қилди. Бу каби уй-жойлар оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари ва солиқ имтиёзлари асосида берилиши аҳолининг кайфиятини кўтариб, турмуш даражасини оширишда муҳим омил бўлаётганини қайд этди.

Бу ерга кўчиб келаётганларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам долзарбдир. Келажакда қуриладиган корхона ва ишлаб чиқариш объектлари бу уйларга яқин жойда бўлиши муҳим, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз келажакда қуриладиган бу каби уйларни янада такомиллаштириш бўйича тавсия ва топшириқлар берди.

Сергели тумани ички ишлар бошқармаси қошидаги 50-шаҳар ички ишлар бўлими ҳам шу массивда бунёд этилган. Ички ишлар бўлимининг асосий вазифаси тумандаги "Бунёдкор", "Меҳригиё", "Ўзгариш", "Чоштепа", "Жўнарик", "Нўғайқўрғон" ва Ҳабибий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш, аҳоли ўртасида профилактика тадбирларини ўтказишдан иборат.

Бўлимда навбатчилик қисми, техник қўриқлаш маркази, тезкор вакил, суриштирувчи, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш инспектори, вояга етмаганлар ва ёшлар бўйича инспектор ҳамда маҳалла профилактика инспектори самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит яратилган.

Ички ишлар бўлими замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган. Мавзедаги кўп қаватли уйларнинг 100 дан ортиқ кириш йўлаги ва 22 гавжум жойга видеокузатув ускуналари ўрнатилган. Бу ҳудудни туну кун назорат қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, уларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Президентимиз 50-шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари билан 15 ноябрь куни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижроси қуйи погонада қандай аксини топаётгани юзасидан мулоқот қилди.

Бугунги кунда энг катта масала – бу ички ишлар тизимининг қуйи бўғинини мустаҳкамлашдан иборат, деди Шавкат Мирзиёев. Биз профилактика инспекторларининг яшаши ва ишлаши учун барча шароитларни яратиб бердик. Энди уларнинг салоҳиятини, маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорлигини кучайтириш зарур. Бундан кейин маҳаллалардаги профилактика инспектори лавозимига танлов асосида уч нафар энг профессионал ходимдан биттаси саралаб олинади. Шундай қилсак, улар ўртасида рақобат кучаяди, одамларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлайдиган чинакам самарали тизим яратилади.

Давлатимиз раҳбари замонавий технологиялар билан таъминланган автотранспорт воситасида шубҳали шахсларнинг суратини олиш ва кимлигини аниқлаш бўйича ўрнатилган ускунанинг ишлаш жараёнини кўздан кечирди. Пойтахтимизда замонавий жиҳозланган мана шундай шаҳар ички ишлар бўлимларини ташкил қилиш бўйича топшириқлар берди.

Мазкур массивда хусусий уй-жойларга хизмат кўрсатувчи профессионал бошқарув компанияси иш бошлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевга мазкур хизмат кўрсатиш маркази фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари янги барпо этилган замонавий сузиш ҳавзасини бориб кўрди.

Сузиш ҳавзасининг узунлиги 25 метр, эни 11 метр. Кунига 150-200 кишини қабул қилади. 3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига барпо этилган иншоотда ёшларнинг сузиш техникасини ўрганиши ва маҳоратини ошириши учун барча шароит яратилган. Тиббиёт ходимлари ва мураббийлар учун хоналар мавжуд. Сувни тозалаш, ифитиш тизимлари, хона ҳароратининг мўътадиллигини сақлаш ускуналари билан жиҳозланган.

Юртимиз иқлим шароитига, ёз ва қиш фаслига мослаб Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида 10 тадан замонавий сузиш ҳавзаси қуриш керак, уларни барпо этишда сифатли қурилиш материалларидан фойдаланиш лозим, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз болаларни спортнинг ушбу тури билан шуғулланишга янада кенг жалб қилиш, сузиш техникасини ўргатадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари 61-оилавий поликлиника фаолияти билан танишди. Уч қаватли, 250 қатновга мўлжалланган тиббиёт масканида ультратовуш ташхиси, рақамли рентген, электрокардиография, физиотерапия, клиник ва биокимё лабораторияси бўлимлари, кундузги шифохона фаолияти йўлга қўйилган. Терапевт, педиатр, жаррох, отоларинголог, окулист, невролог, иммунолог каби тор соҳа мутахассислари томонидан аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган.

Оилавий поликлиникадаги асосий янгиликлардан бири – бу беморларни навбатга ёзиш бўйича электрон тизим жорий қилинганидир. Бемор шифокор қабулига поликлиникага келмасдан туриб, интернет ёки телефон орқали рўйхатхонада ўрнатилган тизим ёрдамида навбатга киритилади. Бу ортиқча оворагарчилик ва вақт сарфлашнинг олдини олади.

Президентимиз ушбу тизимни 61-оилавий поликлиника мисолида намунавий қилиб пойтахтимиздаги барча бирламчи тиббиёт муассасаларига жорий этиш юзасидан топшириқлар берди. Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар, аввало, оилавий поликлиникаларга чуқур кириб бориши, ушбу масканлар аҳолининг саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш бўйича фаолият юритиши, қайси касалликлар камайгани, қайсилари эрта аниқланиб даволанаётгани бўйича мунтазам ахборот берилиши лозимлиги қайд этилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари 18-мактабгача таълим муассасасида яратилган шароитлар билан танишди.

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимининг замонавий механизмларини жорий этиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, ходимлар малакасини ошириш, уларни моддий рағбатлантириш, ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

300 ўринга мўлжалланган икки қаватли муассасада 3,7 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Мусиқа, чет тиллари тўгараклари, спорт машғулотлари ўтказиладиган хоналар зарур қўлланмалар, кўргазмали қуроллар, замонавий спорт буюмлари билан жиҳозланган. Хоналарни ёритишда энергия тежамкор ускуналардан фойдаланилмоқда.

Президентимиз мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, асосий эътиборни болаларнинг таълим-тарбиясига, тарбиячиларнинг малакасини оширишга қаратиш кераклигини таъкидлади.

Замонавий талаблар асосида бунёд этилган 630 ўринли 55-ўрта мактабда ўқувчилар ва ўқитувчилар учун барча шароит яратилган. Ёруғ хоналар, ўқув-лаборатория ускуналари, спорт зали, стадион, ошхона-буфет ва бошқа қулайликлар болаларнинг сифатли таълим олишида муҳим ўрин тутади.

Соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ўқитувчилар, ота-оналар, ўқувчи-ёшларнинг фикр ва мулоҳазалари, таклифларини пухта ўрганиш, уларга тайянган ҳолда иш кўришга тизимли ёндашилмоқда. Хусусан, аҳоли кенг қатламининг хоҳиш-истаклари инобатга олинган ҳолда, янги ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида 10-синфлар ташкил этилди, ўқувчиларнинг интилишига қараб улар мактаб, коллеж, лицейларда таълимни давом эттириши учун кенг шароитлар яратилди.

Маълумки, пойтахтимизнинг айрим ҳудудларида мактаб ўқувчиларнинг уйларидан узоқда жойлашган. Бу мактабга ўз вақтида бориб келиш, сифатли таълим олишга салбий таъсир кўрсатади. Мазкур массивда барпо этилган мактабда бу ҳолат билан боғлиқ барча жиҳатлар эътиборга олинган. Ота-оналарнинг таъкидлашича, уйлар деразаси мактаб тарафга қаратилган бўлиб, бу болаларнинг мактабга қатнаши, танаффус пайтида ҳам уларга кўз-қулоқ бўлиб туриш учун қулайдир.

Президентимиз мактаб билан танишар экан, таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтиришда бу каби лойиҳалар муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Шу ерда давлатимиз раҳбари Сергели тумани фаоллари, нуронийлар, ёшлар, жамоатчилик вакиллари, янги уй соҳиблари билан учрашди. Учрашувда юртимиздаги тинчлик-осойишталик, аҳолига яратилаётган шароитлар, янги иш ўринлари яратиш тўғрисида сўз юритилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи доирасида Сергели туманида амалга оширилиши режалаштирилган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди.

Лойиҳалар жуда кўп ва ранг-баранг. Масалан, "Bek mega textile", "Dara elite", "Laura peri fashion", "Orchid beauty" масъулияти чекланган жамиятлари тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқариш, "Original textile and print" жинси матосидан кийим, аксессуар ва фурнитуралар тайёрлаш, "Ella" корхонаси аёллар учун пальто ва чарм маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштирган.

"Orient confection" ва "Sladus produce" масъулияти чекланган жамиятлари қандолат маҳсулотлари, "Korton Osiyo" МЧЖ мева-сабзавотларни қадоқлаш учун гофра қути ва лента ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқчи. "Aminovs company" корхонасининг лойиҳаси маиший техника жиҳозлари, "Central asia"ники эса қурилиш михлари, темир симлар ва электродлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳалар ҳам талайгина. Хусусан, "Nazm-nur progress" масъулияти чекланган жамияти замонавий кардиожарроҳлик клиникаси ташкил этиш, "Global medical center" ширкати кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолиятини кенгайтириш, "Kilpyong leaders" МЧЖ кўнгилочар боғ ва бизнес маркази қуришни мақсад қилган.

Мазкур лойиҳалар натижасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, замонавий хизматлар йўлга қўйилади, юзлаб иш ўринлари яратилади.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади.

Олий даражадаги музокараларда ўзаро ҳамкорликнинг кенг кўламли масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий-сармоявий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги давлатлараро алоқаларни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Миллий Ассамблея Спикери ва Корея Республикаси Бош вазири билан учрашади, икки давлатнинг етакчи иқтисодий ва молиявий тузилмалари раҳбарлари иштирокидаги Ўзбекистон – Жанубий Корея бизнес форумида иштирок этади.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларининг Стратегик шерикликни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёноти қабул қилиниши, шунингдек, турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга доир кўплаб ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар, тижорат келишувлари ва шартномалари имзоланиши кутилмоқда.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУВ ТАЪМИНОТИ ВА СУВ ЧИҚАРИШ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва аҳоли сонининг ўсиб бориши ичимлик сувига юқори талабни, ундан оқилона фойдаланиш заруратини, шунингдек, республиканинг сув ресурслари чекланган шароитда замонавий сув тежамкор технологияларни жорий этишни тақозо қилади.

Шу билан бирга, тўпланиб қолган тизимли муаммо ва камчиликлар дебитор қарздорликни камайтиришга, тўлов интизомини мустаҳкамлашга ва тармоқнинг янада ривожланишига тўсиқ бўлмоқда. Жумладан:

биринчидан, сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, сарфлаш ва истеъмол қилишни ҳисобга олиш тизимининг амалда мавжуд эмаслиги, оқибатда унинг етказиб берилиши, тўловлар ўтказилиши ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилиги таъминланмаяпти;

иккинчидан, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан, жумладан менежмент ва дебитор қарздорлик ундирувини ташкил этиш масалаларининг самарасиз бошқарилиши тармоқнинг тўлиқ зарар билан ишлашига олиб келмоқда;

учинчидан, водопровод ва канализация тармоқлари, сув таъминоти объектларининг эскирганлиги, кўпчилигидан қирқ йилдан ортиқ фойдаланилиши, шунингдек, уларни янгилаш ва модернизация қилиш суръатининг пастлиги, айниқса, жойларда кўплаб исрофгарчилик ва аварияларга, сувни етказишда катта йўқотиш ҳамда узилишларга олиб келмоқда;

тўртинчидан, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотларининг электр энергияси учун қарздорлиги юқори даражада;

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БАКАЛАВРИАТИГА КИРИШ ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнларини такомиллаштириш, ёшларга замонавий талаблар асосида таълим бериш бугунги куннинг асосий масалаларидан биридир. Бу борада олий таълим муассасаларига кириш тест синовларини адолатли, холис ва шаффоф ўтказиш орқали пухта билимли ёшларнинг ўқишга қабул қилинишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Лекин бугунги кунда тест синовлари орқали олий таълим муассасалари бакалавриатига талабаларни қабул қилишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Жумладан, кейинги йилларда тест синовларини ўтказиш тартиб-қоидалари, тест синовлари натижаларини эълон қилиш ва уни такомиллаштириш борасидаги олиб борилаётган ишлар бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бера олмаяпти. Бу ҳол манфаатдор жамоатчиликнинг, айниқса, ота-оналарнинг тест синовларини ўтказиш жараёнларига ҳақли равишдаги эътирозларини келтириб чиқармоқда ва ҳар йили уларнинг ушбу масала юзасидан қарийб 4 мингдан зиёд асосли мурожаатлари келиб тушмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кириш тест синовлари топшириқлари ва уни ўтказиш талаблари қобилиятли ёшларни олий таълимга қабул қилиш мезонларига тўла жавоб бермайди. Айниқса, ижодкорлик ва индивидуал маҳоратни талаб этадиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, мусиқий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига иқтидорли ёшлар ўрнига, ушбу соҳаларда етарли иқтидорга эга бўлмаган ёшлар тест синовлари орқали ўқишга қабул қилинмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ, ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУҲИТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 15 ноябрь куни мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда парламент ва ҳукумат аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари масъул ходимлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди. Видеоселекторда жойлардан маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари қатнашди.

Қайд этиш жоизки, ўтган вақт давомида Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуслари асосида фуқароларнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгиланган.

Мазкур вазифалар ижроси юзасидан "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар, Президентимизнинг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, давлат органлари ва кенг жамоатчилик олдида турган муҳим вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилди.

Давлат идоралари, зиёлилар, маҳалла фаоллари ва бошқа жамоатчилик тузилмаларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини бирлаштириш орқали ишлар таъсирчанлигини ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳар ҳафтанинг пайшанба куни – "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни" этиб белгиланди ва жойларда бу амалиёт ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 10 ойи мобайнида умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 фоизга, шундан талончилик 16 фоизга, босқинчилик – 19 фоизга, қотиллик – 21 фоизга, товламачилик – 22 фоизга, безорилик – 34 фоизга камайишига эришилди.

Шунингдек, аёллар ўртасида жиноят содир этиш ҳолатлари 16 фоизга, ёшлар ўртасида 14 фоизга, вояга етмаганлар ўртасида 17 фоизга камайди.

Президентимизнинг жорий йил 8 августдаги қарорига асосан вилоят, туман ва шаҳарлар ҳудудлари секторларга бўлинди. Секторларда ҳокимлик, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоатчилик вакиллари мавжуд муаммоларни бартараф этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, халқнинг оғирини енгил қилишга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширмоқда.

Аҳоли ва жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик ва мулоқот ўрнатилгани натижасида 1 минг 243 маҳаллада биронта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

СУВ ТАЪМИНОТИ ВА СУВ ЧИҚАРИШ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

бешинчидан, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари ходимларининг касбга тайёргарлик даражаси паст, малакали кадрлар тизимдан чиқиб кетган, ушбу соҳадаги ходимлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатлари мавжуд.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича таъсирчан чораларнинг кўрилмаслиги аҳолини сув билан барқарор таъминлаш масаласини хавф остига қўяди, сув ресурсларидан ўта ноокилона фойдаланилишига олиб келади ва замонавий сув тежамкор технологияларни жорий этишга тўсқинлик қилади.

Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида бошқарув тизимини, назорат ва ҳисобга олиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

сувдан ноқонуний фойдаланиш, водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

сув учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

сув истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимини жорий этиш жараёнини мониторинг қилиш;

сувни сотиш ва истеъмол қилишнинг ҳисобини юритишда иштирок этиш.

2. Белгилансинки, Бюро ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5059-сон Фармони 4-бандида назарда тутилган ҳуқуқлар берилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида:

а) Бюро қуйидагилар учун жавобгардир:

сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

сувдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини, шунингдек, бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган сув ҳажми ва тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган ҳажм ўртасидаги тафовутларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

аниқланган тафовутларни бартараф қилиш механизми бўйича таклифлар киритиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

б) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги қуйидагилар учун жавобгардир:

водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан тузилган шартномаларга мувофиқ сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатилишини, истеъмолчиларга сув барқарор етказилишини таъминлаш;

водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати ҳажмлари ҳақидаги ҳисобот ҳамда ахборотлар, дебитор ва кредитор қарздорлик тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги;

водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан сув таъминоти объектлари, водопровод ва канализация тармоқларининг ҳолати, эксплуатацияси ва уларга таъмирлаш хизмати кўрсатилиши устидан назоратни таъминлаш;

истеъмолчиларга ўрнатилган сув истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг алмаштирилиши, ўрнатилиши ва эксплуатация хизмати кўрсатилишини, шунингдек, Бюро билан биргаликда улар пломбаланишини таъминлаш;

техник шартлар берилишини, сув таъминоти ва сув чиқариш тизимига истеъмолчиларни улаш ишларининг амалга оширилишини таъминлаш;

Бюронинг мажбурий талабномасига асосан айрим истеъмолчиларнинг магистрал сув қувурларидан белгиланган тартибда узилишини таъминлаш.

4. 2018 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги тартиб жорий этилсин, унга мувофиқ:

барча гуруҳ истеъмолчиларига сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳолларда, мазкур истеъмолчиларга нисбатан белгиланган тартибда сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади;

сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улашда I гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида, II ва III гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

истеъмолчи сув истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг лозим даражада эксплуатация қилиниши ва созлиги учун жавобгар бўлади.

5. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

2017 йил 1 декабрга қадар муддатда туман(шаҳар)лар кесимида 2017 йил 1 ноябрь ҳолатига сув таъминоти ва сув чиқариш хизматидан қарздорлиги мавжуд бўлган истеъмолчиларнинг шахсий рўйхатини, шу жумладан истеъмолчи – юридик шахслар билан қарздорликни таққослаш бўйича мавжуд далолатномаларни Бюрога тақдим этсин;

2017 йил 1 декабрга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда тушумларнинг ҳаққоний ҳисобини юритиш ва пул маблағларининг ҳаракатини Бюро томонидан мониторинг қилишни таъминловчи, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматидан тушган маблағларни ягона банк ҳисобрақамларида жамлаш тизимини жорий этсин;

икки ой муддатда тегишли функцияларнинг Бюрога ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда “Сувоқова” ва “Сувсоз” давлат унитар корхоналарининг назоратчи штат бирликлари қисқартирилишини таъминласин;

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бюро билан биргаликда Бюро томонидан сув истеъмолчиларидан ундириладиган пул маблағларидан Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасига ўтказиладиган ажратмалар миқдорларини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2017 йил 10 декабрга қадар муддатда Истеъмолчиларга сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидаларига ушбу Фармон талабларини инобатга олган ҳолда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлашда йўқотишларни аниқлаш тартибини тасдиқласин;

2018 йил 1 январга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлашни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ягона автоматлаштирилган тизимини яратиш ҳамда жорий этишни, шу жумладан сув тақсимлаш тармоқларида ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2018 йил 1 январга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда сув таъминоти ва сув чиқариш тизими объектларини муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2018 йил 1 апрелга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Бюро, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларининг барча гуруҳ истеъмолчиларини инвентаризация қилсин, шунингдек, истеъмолчилар ҳақида ягона электрон маълумотлар базасини яратиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларга тузатишлар киритиш билан бир вақтда сув таъминоти ва канализация тизими объектларини технологик аудитдан ўтказсин;

2019 йил 1 январга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Бюро, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда водопровод-канализация хўжалиги объектлари ва иншоотларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ҳолда уларни инвентаризациядан ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда водопровод-канализация хўжалиги ташкилотларининг рентабеллигини таъминловчи қулай тарифларни белгилаш механизмларини назарда тутган ҳолда Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тарифларни белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

2018 йил 1 январдан бошлаб сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун янгиланган тарифларни жорий қилишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Сув истеъмолчилари – бюджет ташкилотларини замонавий сув истеъмолини ҳисобга олиш ускуналари билан босқичма-босқич жиҳозлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин;

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда хўжалик-ичимлик сув таъминотини таъминлаш учун ер усти сувлари чиқарилишининг ўз вақтида амалга оширилиши устидан назоратни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда мазкур Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ташкилий-штат тузилмаси ва Низомига ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича таклифларни киритсин.

10. Бюро ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом;

Истеъмолчиларни сув қувурлари, водопровод ва канализация тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Молия вазирлигининг Давлат молия назорати бош бошқармаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Марказий банк ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари фаолиятини:

бошқарув ва назорат тизимининг самарадорлиги, ташкилий-штат тузилмаси ҳамда ходимлар сонининг асослилигига;

сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ҳамда хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бўйича амалдаги техник регламентларга;

амалдаги ишлаб чиқариш-техника инфратузилмаси ва қувватларининг ҳолатига;

сув водопровод-канализация хўжалиги ташкилотларининг рентабеллиги, замонавий сув ва энергия тежамкор технологияларни жорий этиш даражасига;

сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархнавони шакллантириш ва тарифларнинг асослилиги, ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолатига;

сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатишдан келиб тушадиган пул маблағларидан мақсадли фойдаланилганлигига;

дастурлар, инвестиция ва бошқа лойиҳаларни рўёбга чиқариш ҳолати, амалга оширилаётган молиявий қўйилмалар ва жалб этилаётган, биринчи навбатда, хорижий инвестицияларнинг самарадорлигига;

кредит маблағларидан мақсадли фойдаланилишига;

молия-хўжалик фаолияти натижалари, дебитор ва кредитор қарздорлик ҳолати, уларни камайтириш бўйича кўрилаётган чораларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда танқидий ўргансин.

Ўрганиш натижалари бўйича 2018 йил 10 январга қадар муддатда сув таъминоти ва сув чиқаришни бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёш авлодда сувга нисбатан тежамкорона муносабатда бўлиш ва ундан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўрсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Бош прокуратураси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, шу жумладан сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш зарурлиги, шунингдек, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Бюро ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 16 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “СУВ ТАЪМИНОТИ ВА СУВ ЧИҚАРИШ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан аҳолига уй-жой коммунал хизмат, жумладан сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш сифатини тубдан оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Уй-жой коммунал соҳасини ислоҳ қилиш доирасида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу масала сув ресурслари чекланган, сувга талаб ошиб бораётган ва мамлакат аҳолиси сони ўсиб бораётган шароитда янада долзарб аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда водопровод-канализация хўжалигида тўпланиб қолган тизимли муаммо ва камчиликлар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун қарздорликнинг ошиб боришига ва тўлов интизомининг пасайишига сабаб бўлиб, охир-оқибатда тармоқнинг умуман ривожланишдан ортда қолишига олиб келмоқда.

Энг аввало, сўз республика водопровод-канализация хўжалигида сувни ишлаб чиқариш, сарфлаш ва истеъмол қилишни ҳисобга олиш тизимининг амалда мавжуд эмаслиги ҳақида бормоқда.

Масалан, бугунги кунда республика бўйича сув олиш иншоотлари, сув қувурлари, водопровод тармоқлари ҳамда сув таъминоти ва сув чиқаришнинг бошқа объектларида сувни ҳисобга олиш ускуналари билан таъминлаш атиги 29,4 фоизни, истеъмолчиларни қамраб олиш эса 42 фоизни ташкил этади.

Оқибатда, амалиётда сувнинг етказиб берилиши, тўловлар ўтказилиши ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати, шунингдек, истеъмолчиларнинг дебитор қарздорлиги ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилиги таъминланмаяпти.

Бундан ташқари, уй-жой коммунал соҳасида сув таъминоти корхоналарини, жумладан менежмент ва дебитор қарздорлик ундирувини ташкил этиш масалаларини бошқаришда самарали тизим мавжуд эмас.

Бунинг оқибатида юзага келган водопровод-канализация хўжалиги корхоналарининг зарар билан ишлаши, шунингдек, мазкур корхоналарда катта миқдордаги кредитор ва дебитор қарздорликнинг мавжудлиги уларнинг молиявий аҳволини ички имкониятлар ҳисобидан яхшилаш имконини бермайди.

Водопровод-канализация тармоқлари ҳамда сув таъминоти ва сув чиқариш объектларининг аксарият қисмининг эскирганлиги, шунингдек, уларни янгилаш ва модернизация қилиш суръатининг пастлиги ҳам жиддий муаммолардан ҳисобланади.

Хусусан, республиканинг мавжуд водопровод-канализация тармоқлари ва сув таъминоти объектларидан қирқ йилдан кўп муддат давомида фойдаланилмоқда, сув қувурлари ва сув таъминоти тармоқларининг 35 фоизидан ортиғи эса кечиктириб бўлмайдиган таъмирга муҳтож.

Сув таъминоти ва сув чиқариш объектларининг ачинарли аҳволи, айниқса, жойларда сувни истеъмолчиларга етказиб бериш ва сотишда кўплаб фалокат ва бошқа салбий ҳолатларни, узилишларни келтириб чиқараётган, деярли 40 фоизга етаётган жиддий йўқотишларга олиб келмоқда.

Водопровод-канализация хўжалиги ташкилотларининг етказиб берилган электр энергияси учун юқори даражада қарздорлиги ҳам тармоқнинг ривожланишига салбий таъсир этаётган жиддий муаммолардандир.

Масалан, жорий йил 9 ойида сув таъминоти корхоналарининг электр энергиядан қарздорлиги 43,2 миллиард сўм кўпайиб, 276,1 миллиард сўмни ташкил этган.

Водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари ходимлари касбий даражасининг пастлиги, шунингдек, малакали кадрларнинг тизимдан кетиб қолгани, сув таъминоти ва сув чиқариш корхоналари ходимлари ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатларининг мавжудлиги хавотир уйғотмай қолмайди.

Мисол учун, фақат 2015-2017 йиллар давомида ушбу корхоналар мансабдор шахсларига нисбатан талон-торож, қарздорликни ҳисобдан чиқарганлик учун моддий манфаатдорлик, ноқонуний равишда сувдан фойдаланганлик ва сув таъминоти тизимларига уланганликни яшириш ҳолатлари бўйича 47 та жиноят иши қўзғатилган.

Республика аҳолисини сув билан барқарор таъминлашни хавф остига қўядиган юзага келган вазиятни, шунингдек, уни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш заруратини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан **“Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон** қабул қилинди.

Фармонда республиканинг водопровод-канализация хўжалигини бошқариш тизимини, сув истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олиш механизмларини тубдан такомиллаштиришни, шунингдек, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар назарда тутилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) вазифалари доираси кенгайтирилмоқда.

Эндиликда, Бюро электр энергияси ва табиий газ истеъмоли учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш билан бир қаторда сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида тўловлар ундирилишини таъминлайди.

Шу муносабат билан, Бюрога:

биринчидан, сувдан ноқонуний фойдаланиш, водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

иккинчидан, сув учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

учинчидан, сув истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимини жорий этиш жараёнини мониторинг қилиш;

тўртинчидан, сувни сотиш ва истеъмол қилишнинг ҳисобини юритишда иштирок этиш каби қўшимча вазифалар юклатилди.

Юклатилган қўшимча вазифаларни бажариш учун Бюрога илгари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5059-сон Фармони 4-бандига мувофиқ тақдим этилган ваколатларнинг барчаси берилмоқда.

Мисол учун, Бюро ходимлари нафақат электр энергияси ва табиий газ, шу билан бирга сув етказиб берилиши ва истеъмолини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектларда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишмаган ҳолда текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди.

Сув учун қарздорлик мавжуд бўлганда ҳам, хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобрақамларига уни сўзсиз ундириш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган инкассо топшириқномалари қўйилади, жисмоний шахсларга нисбатан эса иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида иш берувчиларга талабномалар юборилади.

Бундан ташқари, Бюро ходимлари сув учун ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаган, Бюро талабномалари ижро этилмаган ҳолларда, шунингдек, тармоққа ноқонуний уланиш, талон-торож ҳолатлари аниқланганда, истеъмолчиларни сув таъминоти ва сув чиқариш тармоғидан узиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фармоннинг 3-бандида Бюро ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари соҳасида жавобгарлик доираси белгилаб берилган бўлиб, бу мазкур идоралар фаолиятида бир-бирининг ишини қайтариш ва такрорийлик ҳолатларини истисно қилади ҳамда ишониб топширилган фаолият йўналиши учун жавобгарликнинг “йўқолиб кетиши”га йўл қўймайди.

Фармон қабул қилиниши муносабати билан сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибига ҳам жиддий ўзгартишлар киритилди.

Хусусан, 2018 йил 1 январдан бошлаб бундай хизматлар учун 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш тартиби жорий этилди. Бунда сув таъминоти ва сув чиқариш тармоғидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улаш истеъмолчилар гуруҳларидан келиб чиқиб улардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки ва ўн баравари миқдорида тўлов ундириш орқали амалга оширилади.

Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш бўйича қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида масъул вазирлик ва идораларга қатор ташкилий тадбирларни ўтказиш ҳақида топшириқлар берилди.

Энг муҳим тадбирлардан бири сифатида Фармон қабул қилингандан кейин бир ой муддатда сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлашда йўқотишларни аниқлаш тартиби тасдиқланишини кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, 2018 йил 1 январга қадар сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлашни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ягона автоматлаштирилган тизимини яратиш ҳамда жорий этишни, шу жумладан сув тақсимлаш тармоқларида ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Шу билан бир қаторда, 2018 йил 1 апрелга қадар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларининг барча гуруҳ истеъмолчиларини инвентаризация қилиш, шунингдек, истеъмолчилар ҳақида ягона электрон маълумотлар базасини яратиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларга тузатишлар киритиш билан бир вақтда сув таъминоти ва канализация тизими объектларини технологик аудитдан ўтказиш режалаштирилган. 2019 йил 1 январга қадар эса водопровод-канализация хўжалиги объектлари ва иншоотлари кадастр ҳужжатларини расмийлаштирган ҳолда инвентаризация қилинади.

Бундан ташқари, Давлат раҳбари томонидан масъул вазирлик ва идоралар олдига водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари фаолиятини танқидий ўрганиш ҳамда натижаси бўйича сув таъминоти ва сув чиқаришни бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини киритиш вазифалари қўйилди.

Фармонда ёш авлодда сувга нисбатан тежамкорона муносабатда бўлиш ва ундан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирликларига тегишли топшириқлар берилди.

Фармоннинг амалга оширилиши, ҳеч шубҳасиз, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади, бу эса тармоқнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини соғломлаштириш ва умуман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имконини беради.

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БАКАЛАВРИАТИГА КИРИШ ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Республика олий таълим муассасаларига кириш учун тест синовларини ўтказишнинг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ масалаларни ҳам бутунлай қайтадан кўриб чиқиш тақозо этилмоқда. Зеро, бугунги кунда тест синовлари натижалари 2000 йилда харид қилинган 4 та оптик сканер орқали чиқарилиши, тест материалларини чоп этишга мўлжалланган офис техникаси (принтер ва компьютерлар) маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб кетганлиги оқибатида тест синовлари натижалари қарийб 15-20 кунга чўзилиб эълон қилиниши бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш учун олий таълим муассасаларининг бакалавриатига қабул қилиш бўйича ўтказиладиган кириш тест синовларини такомиллаштириш, унинг адолатли, холис ва шаффоф ўтказилишини ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Давлат тест маркази деб аталади)нинг олий таълим муассасалари бакалавриатига ўқишга қабул қилиш (кейинги ўринларда олий таълим муассасасига қабул қилиш деб аталади) бўйича кириш тест синовларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш юзасидан қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасасига қабул қилиш бўйича кириш тест синовларини 1 августдан 15 августгача бўлган даврда ўтказиш;

кириш тест синовлари натижаларини тест ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилиш;

абитуриентдан алоҳида иқтидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, мусиқий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига қабул қилишни кириш тест синовларисиз, ижодий имтиҳонлар орқали амалга ошириш.

2. Давлат тест маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш тест синовлари Тошкент шаҳрида "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазмалар мажмуаси павильонлари ҳамда унинг ҳудудида ўрнатиладиган қўшимча йиғма павильонларда, шунингдек, катта сиғимдаги бошқа бинолардa, вилоят марказларидаги Олимпия захиралари коллежлари ёки бошқа ташкилотларнинг катта сиғимдаги бинолари да ўтказилишини, тест жараёнининг максимал даражада ошкора ва шаффофлигини таъминлаб, видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан абитуриентлар ота-оналарининг кириш тест синовларини онлайн режимида кузатиб боришларига имконият яратилишини таъминласинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

тест синовлари ўтказиладиган бино ва павильонларни зарур мебеллар (стол, стул, доска ва бошқа зарур воситалар) билан жиҳозланишини;

Давлат тест марказининг ҳудудий вакиллари учун зарур моддий-техник воситалар билан тўлиқ жиҳозланган алоҳида хона ажратилишини;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда катта сиғимдаги биноларни тест синови жараёнини видеокузатувлар орқали онлайн тизимида кўрсатиб ўтказиш учун зарур моддий-техник воситалар билан тўлиқ жиҳозланишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

тест материалларини тайёрлаш ва тест синовлари натижалари ўз вақтида эълон қилинишини таъминлаш мақсадида Давлат тест марказига замонавий моддий-техник воситалар ва жиҳозлар харид қилиш учун 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин;

Давлат тест марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда олий таълим муассасаларининг оширилган тўлов-контракт тушумлари (5 фоизгача миқдорда) ҳисобига бир ой муддатда Давлат тест маркази ҳузурида Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармасини ташкил этсин. Бунда Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилиши белгилаб қўйилсин:

Давлат тест марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

хорижий давлатларнинг ўқув ва илмий муассасаларида Давлат тест маркази ходимларининг малакасини ошириш;

Давлат тест маркази ходимларини моддий рағбатлантириш.

5. Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Давлат тест маркази ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва унинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги республикада амалга оширилиши режалаштирилаётган "Хавфсиз шаҳар" тизимини яратиш дастури доирасида тест синовлари жараёнини ёритиш мақсадида шахсни идентификациялаш воситалари, видеофиксация қурилмалари, металлодетекторлар, мониторлар ва йиғма павильонларни харид қилсин ҳамда уларни давлат мулки сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилишини таъминласин.

7. Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда тест синовларини ўтказиш жараёни иштирокчиларининг масъулиятини янада ошириш ва уларнинг жавобгарлигини белгилаш бўйича қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Давлат тест марказининг ходимларнинг чекланган сони 150 нафар бўлган янгиланган тузилмасини тасдиқлаш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Ҳукумат қарорини бир ой муддатда қабул қилсин.

9. Давлат тест маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори М.М.Каримов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 16 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БАКАЛАВРИАТИГА КИРИШ ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Сўнгги йилларда олий таълим муассасаларига кириш истагида бўлган абитуриентлар сони кескин ортиб бормоқда. Йилдан-йилга ўсиш ўртача 10 фоизни ташкил этиб, хусусан, 2016 йилда 663 минг, 2017 йилда 729 минг нафардан зиёд абитуриент олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган. Таҳлилларга кўра, 2018 йилда олий таълим муассасаларига 810 мингдан ортиқ абитуриентнинг ҳужжат топшириши кутилмоқда.

Абитуриентлар сонининг кескин ўсиши мос равишда аудитория назоратчилари сонининг ва тест материаллари ҳажмининг ортиб боришига ҳамда тест синовларини ўтказишга салбий таъсир кўрсатиб, қатор муаммоларни юзага келтирган. Жумладан, аудитория назоратчиларининг тест синовларини ўтказиш бўйича етарли амалий кўникмаларга эга эмаслиги ҳамда уларнинг жавобгарлик даражалари аниқ белгиланмагани, тест синовлари учун танланган бино ва аудиторияларнинг жиҳозланиши мавжуд талабларга жавоб бермаслиги, биноларнинг олий таълим муассасалари бош штабидан узоқ масофада ва тарқоқ жойлашгани, биноларнинг шахсни аниқловчи фото ва видео қурилмалари, тест синовларида фойдаланиши ман этилган воситаларни аниқловчи замонавий техник жиҳозлар билан таъминланмаганлиги, аудиторияларда видеокузатув камераларининг мавжуд эмаслиги тест синовларини ўтказиш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш ва уни назорат қилиш сифатининг тушиб кетишига олиб келган.

Бундан ташқари, тест синовларини ўтказишнинг амалда бўлган тартиби тест натижаларини қисқа муддатда ҳисоблаб чиқариш имконини бермаган.

Юқорида қайд этилган муаммо ва камчиликлар олий ўқув юртларига қабул қилиш бўйича ўтказилган тест синовларининг адолатли, холис ва шаффоф ўтказилишини етарли даражада таъминлаш имконини бермаган ва оқибатда абитуриентлар ҳамда уларнинг ота-оналари эътирозларига сабаб бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари бакалавриатига қабул қилиш бўйича ўтказиладиган тест синовларини такомиллаштириш, унинг адолатли, холис ва шаффоф ўтишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори қабул қилиниши юқорида қайд этиб ўтилган муаммоларнинг ўз ечимини топиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу қарорга кўра, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари бакалавриатига қабул қилиш бўйича тест синовлари 1 августдан 15 августгача бўлган даврда ўтказилиши ва тест синовлари натижалари тест ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши белгиланди.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда абитуриентдан алоҳида иқтидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, мусиқий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига қабул қилиш тест синовларисиз, ижодий имтиҳонлар орқали амалга оширилиши назарда тутилган.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари бакалавриатига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш тест синовлари Тошкент шаҳрида "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазмалар мажмуаси павильонларида ҳамда унинг ҳудудида қўшимча йиғма павильонлар ўрнатилиб, улардан самарали фойдаланган ҳолда, шунингдек, катта сиғимдаги бошқа бинолардa, вилоят марказларида эса Олимпия захиралари коллежлари ёки жойлардаги бошқа муассасаларнинг катта сиғимдаги бинолари да, тест жараёнининг ошкора ва шаффофлигини таъминлаган ҳолда, видеокузатувлар орқали онлайн тизимда жамоатчиликка, шу жумладан, абитуриентларнинг ота-оналарига кўрсатиб ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Тест синовларини хавфсиз ўтказиш ҳамда тест синовлари жараёнида учрайдиган салбий ҳолатларнинг олдини олиш, тест синовлари жараёнини онлайн ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан шахсни идентификациялаш воситалари, видеофиксация қурилмалари, металлодетекторлар, мониторлар ва йиғма павильонларни республикада амалга оширилаётган "Хавфсиз шаҳар" тизими доирасида харид қилиниши ва уни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилишини таъминлаш вазифаси белгиланди.

Шу билан бир қаторда, қарорда Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Адлия вазирликларига бир ой муддатда тест синовларини ўтказиш жараёни иштирокчиларининг масъулиятини янада ошириш ва уларнинг жавобгарлигини белгилаш бўйича қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш вазифаси топширилди.

Тест синовлари жараёнларини мунтазам ривожлантириб бориш, тест топшириқларининг сифатини ошириш, тестология фани бўйича хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ҳамда уларни амалда татбиқ этиш мақсадида илғор хорижий ўқув ва илмий муассасаларда мутахассислар малакасини доимий ошириб бориш ҳам қарорда ўз аксини топган.

Қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида сифатли бажаришни таъминлаш мақсадида Давлат тест марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда олий таълим муассасаларининг оширилган тўлов-контракт тушумлари (5 фоизгача миқдорда) ҳисобидан Давлат тест маркази ҳузурида "Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармаси"ни ташкил этилиши ҳам белгилаб қўйилган.

Мазкур жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилиши назарда тутилган:

Давлат тест марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

хорижий давлатларнинг ўқув ва илмий муассасаларида Давлат тест маркази ходимларининг малакасини ошириш;

Давлат тест маркази ходимларини моддий рағбатлантириш.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарорда белгилаб берилган мақсад ва вазифалар олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларининг адолатли, холис ва шаффоф ўтишини таъминлашга хизмат қилади ҳамда олий таълим муассасаларига ўқиш учун билимли, иқтидорли ва муносиб номзодларни танлаб олишга замин яратади.

ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ, ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУҲИТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида 22 минг 370 оиланинг нотинчлигига барҳам берилди, 11 минг 345 ёш оила ажрашиб кетишдан сақлаб қолинди, маҳалла посбонларининг тезкор хабарлари ёрдамида 4 минг 494 жиноят фош этилди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ қилинмоқда. Жумладан, Тошкентда "хавфсиз шаҳар", Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида "хавфсиз туризм", Паркент туманида "хавфсиз дам олиш" концептуал лойиҳалари жорий этилмоқда.

Мамлакатимизда савдо-сотиқ, маданий ҳордиқ чиқариш ва бошқа жамоат жойлари, таълим муассасаларида жами 177 мингдан ортиқ видеокузатув мосламалари ўрнатилиши натижасида кўплаб оғир ва ўта оғир жиноятларни фош этишга эришилди.

Маълумки, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир. Бу борада ҳар бир фуқаро онгида "Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак" деган туйғуни шакллантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Наманган шаҳрининг "Орзу" маҳалласидаги ижобий тажрибадан самарали фойдаланиш натижасида вилоятнинг 160 та, Хоразмда "Жамоатчилик назорат масканлари" фаолияти йўлга қўйилиши эвазига 198 та маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга эришилди.

Ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир.

Бу масалада ҳудудларда янги иш ўринлари ташкил қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун қўшимча имкониятлар яратишга энг асосий эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда мамлакатимизда 11 эркин иқтисодий зона ва 5 саноат зонаси ташкил этилди. Кичик саноат зоналарининг сони 90 тага етказилди. Бу йил янгидан ташкил этилган корхоналарда 7 минг 500 ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди, 650 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Бу эса ҳудудларни жадал ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш ҳамда юқори технологик ва жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини кўпайтириш, ҳалол ва фаровон турмуш шароитини йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, давлатимиз раҳбари айрим ҳудудларда жиноятларни сезиларли камайтиришга эришилмагани, баъзи жиноят турлари ошгани каби камчиликларни кескин танқид қилди.

Хусусан, Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари мутасадди раҳбарларига йўл қўйилган камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш борасида аниқ топшириқлар берилди.

Қатор маҳаллаларда профилактик тадбирларнинг самарадорлиги етарли даражада таъминланмагани, ҳуқуқ-тартибот идораларининг жамоатчилик билан ҳамкорлиги талаб даражасида йўлга қўйилмагани, бу эса айрим турдаги оғир жиноятлар содир этилишига сабаб бўлгани аниқ рақам ва миссоллар асосида таҳлил қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, туманлар кесимида жиноятларнинг олдини олиш борасида алоҳида чоратадбирларни ўз ичига олган "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатма берилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилнинг дастлабки 10 ойида содир этилган қотиллик жиноятларининг 165 таси эр-хотин ва қайнона-келинлар ўртасида, 66 таси қўни-қўшнилар ўртасида оддийгина маиший келишмовчиликлар оқибатида келиб чиққан.

Йиғилишда маҳаллаларда фаолият юритаётган посбонлар ҳақида сўз борар экан, кўп ҳолларда уларнинг салоҳияти, билим ва малакаси талабга жавоб бермаслиги, бундай вазифага фидойи ёшлар сафарбар этилмаётгани, рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилмагани сабабли ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда посбонлар иштироки сезилмаётгани таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, унинг иш самарадорлигини ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Яна бир оғриқли мавзу – кўрилаётган чораларга қарамасдан, фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларни кескин камайтиришга эришилмаётгани таъкидлаб ўтилди. Бундай жиноятларнинг асосий сабаблари фуқаролик муносабатларини қонун доирасида амалга оширмасликка бориб тақалади. Оқибатда бу содда одамларнинг жиноят қурбони бўлишига олиб келмоқда.

Шу сабабли давлатимиз раҳбари нотариат тизимларидаги бюрократизм ва сансоларлик ҳолатларига чек қўйиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали нотариал хизматлар кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Йиғилишда, шунингдек, аёллар томонидан жиноят содир этиш ҳолатларига барҳам берилмаётгани танқид қилинди. Шу сабабли оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни атрофлича ўрганиш, аниқланган муаммоларни жойида ҳал этиш, бу жараёнда, айниқса, сектор раҳбарлари, хотин-қизлар қўмиталари ҳамда жамоатчиликнинг масъулиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари фақат жазо қўллаш тахдиди билан эмас, аввало, аҳоли онгига жиноятга қўл урмаслик, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, Ватанга садоқатли бўлиш, атрофдаги инсонларга юксак ҳурматда бўлиш каби фазилатларини сингдириш лозимлиги, бунда оммавий ахборот воситалари, радио-телевидение, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар матбуот хизматлари янада фаоллик кўрсатиши зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятчилик масаласи батафсил муҳокама қилинди. Бу борада ахвол ташвишланарлиги. Хусусан, жорий йилнинг 10 ойи давомида ёшларнинг 22 минг нафари жиноятга қўл урган. Бу рақам жиноят содир этган жами шахслар кўрсаткичининг учдан бир қисмини ташкил қилади. Ачинарлиси шуки, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан 875 та, мактаб ўқувчилари томонидан эса 310 та оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилишига йўл қўйилган.

Тошкент юридик коллежи ўқувчилари дарс вақтида муассаса ҳовлисида ўзаро жанжаллашиб, оқибатда бу улардан бирининг ўлимига, бирининг эса оғир жароҳат олишига сабаб бўлгани каби ҳолатлар қайтарилишига йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада таълим муассасалари ва ички ишлар органларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва масъулиятини ошириш масалалари таҳлил қилинди. Шу мақсадда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига ўқувчи-талабаларнинг дарсдан ташқари вақтларини самарали ўтказишни ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, мактабгача ва мактабдаги таълим даврида тадбиркорлик қобилиятини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш, бу жараёнга малакали кадрларни жалб этиш, ёшлар учун бизнес соҳасига оид адабиётлар яратиш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда жиноятчиликнинг олдини олишда энг муҳим омиллардан бири бўлган ишсизликни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу муаммони бартараф этмай туриб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича кўзланган натижаларга эришиб бўлмайди.

Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёев жиноят содир этганларнинг 16 мингдан зиёди ёки ҳар тўрттадан биттаси ишсиз эканига эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари бундай нохуш ҳолатни бартараф этиш учун ҳар бир сектор раҳбари ўзига бириктирилган ҳудудларда тадбиркорлик субъектларини тўлиқ қўллаб-қувватлаши, янги иш ўринларини барпо этишга кўмаклашиши, фуқароларнинг бандлигини таъминлашга имконият яратиш бўйича аниқ ишларни амалга ошириши лозимлигини таъкидлади.

Муҳокама қилинган яна бир долзарб масала – бу йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чораларнинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслигидир. Масалан, ўтган 10 ойда содир этилган 8 мингга яқин йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 2 минг 31 нафар фуқаро ҳалок бўлиб, 7 минг 622 нафари тан жароҳати олган. Бу ҳодисаларнинг асосий сабаби фуқароларимизда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини ошириш, автотранспорт воситаларининг йўлларда ҳаракатланиши учун хавфсизлик чораларини кўришда жиддий муаммолар мавжудлигидадир.

Шуни инобатга олган ҳолда, мутасадди раҳбарларга ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўлларда ҳаракатланиш маданиятини ошириш, йўлларни ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий техник воситалари билан жиҳозлаш бўйича топшириқлар берилди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида хизмат интизоми ва қонунчиликни кучайтириш, ички ишлар идоралари таркибига адашиб кириб қолган, масъулиятни тўла англамасдан, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабабчи бўлаётган ходимлардан тозалаш масаласи доимо долзарб вазифадир.

Шу нуқтаи назардан, ички ишлар органларининг кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир туманда тузилган секторлар фаолияти таҳлил қилинди. Бундан буён ҳар бир сектор раҳбари жиноятчиликнинг ҳолати учун ҳам шахсан жавоб бериши қайд этилди. Сектор раҳбарларининг бу борадаги масъулиятини ошириш мақсадида Ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссиясини тузиш бўйича топшириқ берилди. Унинг таркибига "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси, Маънавият ва маърифат марказлари раҳбарларини ҳам киритиш, Комиссия фаолиятини Олий Мажлис Сенати томонидан мувофиқлаштириш белгиланди.

Мажлисда раҳбарлар маънавияти масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайинланади. Барча бўғиндаги раҳбарлар – у вазир ёки ҳоким бўладими, идора ёки ташкилот бошлиги бўладими, ўзининг одоб-ахлоқи ва маданияти билан ҳаммага ўрнак ва намуна бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар юртимизда аҳолининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, бошқа ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш бўйича кенг кўламли ҳаракатлар бошлангани, янги тизим яратилгани ижобий натижалар бераётганини қайд этдилар.

Шу билан бирга, барча саъй-ҳаракатларга қарамасдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича камчиликлар ҳали кўплиги, уларни бартараф этиш ва соҳадаги аҳволни ўнглаш, давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқларнинг қатъий ижросини таъминлашда давлат идоралари, маҳалла фаоллари ва бошқа жамоатчилик тузилмаларининг ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш лозимлиги таъкидланди.

ЎзА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, пойтахтимизнинг Яккасарой туманида ҳам ҳокимлик, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати раҳбарлари бошчилик қиладиган секторлар фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳудудларни ривожлантириш – фаровонлик омили

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТНИНГ ЯНГИ ВА САМАРАЛИ ТИЗИМИ

Секторларда қарорда белгиланган "Маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика" тамойили бўйича иш олиб борилмоқда. Секторлар штаби аҳоли учун қулай жойда ташкил этилиб, замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган, узлуксиз навбатчилик жорий қилинган. Сектор раҳбар ва масъуллари маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиб чиқмоқда, айримлари жойида ҳал этилиб, ижрога қабул қилинмоқда, баъзилари чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида "йўл хариталари"га киритилмоқда.

Айни пайтгача тумандаги 28 минг 245 хонадоннинг 25 мингдан ортиғида вазият ўрганилди. Фуқаролардан тушган турли масалаларга оид уч мингдан зиёд мурожаатдан 800 га яқини жойида ҳал этилди, 1 минг 600 дан ортиғи ижрога қабул қилиниб, тегишли ташкилот ва корхона раҳбарлари билан ҳамкорликда бартараф этилди, 600 га яқин мурожаат эса "йўл харитаси" дастурларига киритиш режалаштирилди.

Яқинда бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари ходимлари туманда бўлиб, секторлар фаолияти, аҳолидан келиб тушаётган мурожаатларнинг ҳал этилиши борасидаги мавжуд вазиятни ўрганиб чиқди.

...Секторлар фаолияти билан танишиш мақсадида 1-секторга йўл олдик. Туман ҳокими Сарвар Маҳаметов раҳбарлик қилаётган ушбу секторга аҳоли томонидан 800 дан зиёд мурожаат келиб тушган, уларнинг 770 таси жойида ҳал қилинган.

– Фаолиятимизнинг асосий вазифаси хонадонма-хонадон юриб, аҳоли билан мулоқот қилиб, уларнинг таклифларини эшитиш, муаммоларини бартараф этиш, – дейди С.Маҳаметов. – Бу борада эришган натижаларимиз билан қаноатланиб қолмасдан, янада ҳаракат қилишимиз, аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашимиз зарур.

Кўп қаватли уйларнинг кириш йўлакларини ва томларини таъмирлаш, ертўласини тозалаш, болалар майдончаларини қуриш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ҳудудни ободонлаштириш, ишсиз аҳоли, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, йўлларни таъмирлаш бўйича изчил ишлар қилинмоқда, 2-гуруҳ ногирони Онарҳол Эшназарованинг ногиронлик аравачаси топширилди, Саттор Ҳотамовга даволаниши учун ҳомийлик ёрдами кўрсатилди, мактабгача таълим муассасасида энага бўлиб ишлайдиган Раиля Зариповага шу йил 1 сентябрдан бошлаб ойлик маошига 30 фоиз қўшимча устама ҳақ белгиланди.

"Дилбулоқ" маҳалласи, Қушбеги мавзеси 8-а ётоқхонасида истиқомат қилувчи етмиш ёшли Каримжон ота Латифов бир хонали уйда турмуш ўртоғи, фарзандлари ва келинлари билан яшаётгани, ўғлига уй-жой олишда амалий ёрдам кўрсатишини сўраб мурожаат қилган. 1-сектор ишчи гуруҳ аъзолари оилага Сергели туманида барпо этилаётган кўп қаватли уйлардан бири учун давлат томонидан 25 фоиз дастлабки бадал тўлови тўлаб берилганини маълум қилди.

– Аввало, халқнинг тинчлик-осойишталигини, бахту саодатини ўйлаб, куну тун тиним билмай меҳнат қилаётган Президентимизга раҳмат, – дейди К.Латифов. – Шукр, туманимиз раҳбарлари, тиббиёт мутахассислари, маҳалла-кўй ҳолимиздан хабар олиб турибди. Нима муаммоимиз бўлса, эшитиб, ҳал қилиб беришга ҳаракат қилмоқда.

Сектор ҳудудида ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, аҳоли томонидан Қушбеги мавзеси ҳудудидан ўтувчи кўча таъмирталаб аҳволдалиги, кўча бўйида мактаб жойлашгани учун йўл ҳаракати белгилари қўйилмагани аҳоли ва болаларга ноқулайлик туғдираётгани билдирилган. Мазкур мурожаатда кўтарилган масала "йўл харитаси"га киритилиб, 2018 йили таъмирланиши режалаштирилган.

2-сектор ишчи гуруҳи ҳам ҳудуддаги Муқимий, "Тўқимачи", "Мерос" ва "Яккасарой" маҳаллаларида тўрт мингдан зиёд хонадонни ўрганиб чиқди. Шу кунгача аҳолидан 600 дан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлса, аксарияти жойида ва туман миқёсида ҳал қилинган, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ойда икки марта учрашув ўтказилмоқда.

Шу йил Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежини битирган Умида Мирсоатова ишга жойлашиш юзасидан 2-секторга мурожаат қилди. Унинг мурожаати ўрганилиб, "Асакабанк"нинг туман филиалидан иш топиб берилди.

– Ўзим қизиққан, яхши кўрадиган иш билан шуғулланиш имконияти пайдо бўлганидан хурсандман, – дейди Умида. – Ўз меҳнатим билан оиламга, жамиятга, Ватанимизга фойдам тегиши учун бор куч-ғайратимни ишга соламан.

Ҳудудда яшовчи яна бир фуқаро Алексей Горин ўн уч йил уйсиз, ҳужжатларсиз, дарбадарликда ҳаёт кечирди, охир-оқибат кўзлари ҳам кўрмай қолди. Унинг аянчли аҳволга тушиб қолганини кўрган маҳалла аҳли секторга мурожаат қилиб, А.Горинга ҳуқуқий, тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилишини сўраган. Бу мурожаат ҳам туман ҳокимлиги, прокуратураси, тиббиёт бирлашмаси томонидан ҳал этилди, унинг паспорти янгиланди, вақтинчалик рўйхатга қўйилиб, вақтинчалик яшаш жойи билан таъминланди. Тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғлиги тикланмоқда. Унга нафақа тайинлаш, келгусида муруввват уйига жойлаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Венера Муҳиддинованинг уйининг том қисми ва кириш йўлагини таъмирлаш, уйи атрофидаги дарахтларга шакл бериш ва болалар майдончасини тартибга келтириш борасидаги мурожаати, Мираъзам Бекпўлатовнинг ёнғин туфайли зарар кўрган уйини таъмирлаш учун моддий ёрдам сўраб қилган мурожаати, Сурайё Мўминованинг саломатлигини тиклаш учун моддий ёрдам ва фарзандини махсус мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш бўйича қилган мурожаати қаноатлантирилган.

Людмила Югайнинг йўл таъмирлаш, 125-сонли мактабгача таълим муассасаси ходимларининг муассасани капитал таъмирлаш бўйича қилган мурожаати "йўл харитаси"га киритилган.

– "Йўл харитаси"га киритилган масалаларни ҳам тез орада бартараф этиш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда, – дейди 2-сектор раҳбари, туман прокурори Илҳом Айдўсов. – Асосий мақсадимиз аҳолига қулай шарт-шароит яратиш, ҳудудимизнинг ҳар томонлама ривожланиши учун ҳиссамизни қўшишдир.

3-сектор штабида ишчи гуруҳ фуқароларнинг мурожаатини қабул қилиб, уларни тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда жойида ҳал қилишга ҳаракат қилмоқда.

– Айни пайтда аҳолидан келаётган мурожаатларнинг аксарияти кўп қаватли уйларнинг том қисмини таъмирлаш билан боғлиқ бўлиб турибди, – дейди 3-сектор раҳбари, туман ички ишлар бўлими Фаррух Ҳайдаров. – Бу масалани тез кунларда ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда. Банкдан кредит олинди, таъмирлаш ишларини яқин кунларда якунлаймиз.

Қирқ беш йил педагоглик қилган Замира Алиева бугун нафақада, турмуш ўртоғи, фарзандлари ва неваралари билан бахтли ҳаёт кечирмоқда. Аммо хафақонлик хасталиги безовта қиларди. Унинг даволаниш учун сиҳатгоҳга йўлланма сўраб қилган мурожаати туман тиббиёт бирлашмаси билан биргаликда ҳал қилинди. Замира опа нуронийларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирди.

Сектор раҳбари ва ишчи гуруҳ аъзолари билан 1-гуруҳ ногирони Ҳабибулло Убайдуллаев хонадонида ҳам бўлдик. У уйида тўртта оила яшаши туфайли уй-жой сўраб мурожаат қилган.

– Учта қиз, бир ўғлим бор. Тақдир экан биринчи қизимнинг турмуши бўлмади, иккинчи қизимнинг турмуш ўртоғи чет элга кетиб, сакқиз йилдан бери хабар олмайди, – дейди у. – Шуларни ўйлаб, бир уйда сиқилишиб қолмасин, деб секторга мурожаат қилдим. Менга уй-жой беришни сўрамайман, яни қурилаётган уйларни олиш тартиби, имтиёзлари ҳақида ҳуқуқий ёрдам беришса, дастлабки бадал тўловига кўмаклашилса шунинг ўзи катта ёрдам.

Сектор раҳбари унинг мурожаати "йўл харитаси"га киритилгани ва тез фурсатда ҳал қилинишини маълум қилди.

Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Фиёс Дўстмуҳамедов раҳбарлик қилаётган 4-секторда иш қизғин. Сектор раҳбари ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда аҳолидан тушаётган мурожаатларни ўрганиб, муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, кузги мавсумига тайёргарлик кўриш жараёнида "Дамариқ", "Ракат", Бобур, Ҳамид Сулаймонов номидаги маҳаллалардаги кўп қаватли уйларнинг том, ертўла, кириш йўлаги қисмлари ва лифтларининг таъмирлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга имконият ва шароитлар яратиш масалаларини муҳокама қилмоқда. Хонадонларни ўрганиш жараёнида 400 дан зиёд мурожаат келиб тушган. Уларнинг 250 дан зиёди сектор ишчи гуруҳи томонидан жойида ҳал этилган.

Жумладан, Насиба Валиева ва Артём Гургенидзега ногиронлик аравачаси топширилган, Усмон Носир кўчаси, 39-уй аҳолиси мурожаатига кўра уйнинг том қисми тўлиқ таъмирланган, Бобур кўчаси, 69-уй аҳолиси мурожаати бўйича уй ҳовлиси ободонлаштирилиб, болалар майдончасини қуриб берилган.

– Аввал қаровсиз ётган ерда қисқа муддатда замонавий болалар ўйин ва спорт майдончасининг қуриб битказилгани барчамизни, айниқса, невараларимизни жуда хурсанд қилди, – дейди Тамара Присяжникова. – Энди аҳоли ҳам яратилган шароитларни асраб-авайлаши, болалар майдончасининг узоқ йиллар давомида фарзандларимизга хизмат қилишини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши зарур.

– Полиэтилен маҳсулотларини ишлаб чиқариш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш ниятида корхона ташкил қилган эдик, – дейди "Mega Industry Group" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шохрух Хўжаев. – Абдулла Қаҳҳор кўчасидаги бўш турган объектни олиб, қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун секторга кредит сўраб қилган мурожаатимизга амалий ёрдам берилди. Ҳозирги кунда 1 миллиард 300 миллион сўмлик кредит жалб қилиниб, қурилиш-таъмирлаш, ускуналар билан жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди.

Мебель ишлаб чиқарадиган "Garant mebel" масъулияти чекланган жамиятининг иш фаолиятини кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида кредит маблағлари ажратиш борасидаги мурожаати "йўл харитаси"га киритилиб, яқин кунларда ҳал қилиниши кутилмоқда. Ҳудуддаги 58-оилавий поликлиникани тўлиқ таъмирлаш каби масалалар ҳам "йўл харитаси"дан ўрин олган.

– Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда секторлар фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди Ғ.Дўстмуҳамедов. – Аҳоли билан мулоқотларда бартараф этилиши лозим бўлган масалалар ҳали кўплиги, бунинг учун барчамиз масъулият билан, ғамхўхатликда ҳаракат қилишимиз зарурлиги аён бўлмоқда.

Ҳа, эзгу ҳаракат ва интилишлар самарасида қўлга киритилган ютуқлар билан бирга ҳали ечимини кутаётган долзарб масалалар бор. Муҳими, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар халқ билан мулоқот қилиш, одамларнинг дарду ташвишлари, орзу-умидларига қулоқ тутиш, муаммоларини бартараф этишнинг янги ва самарали тизимига айланиб бормоқда. Бу эса келгусида ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг асосий пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Байрам АЙТМУРОДОВ

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
08.00 "Ахборот".
08.35 "Устурлоб".
08.55 Анонс.
09.00 "Бехаловат ҳимоячилар". Т/с.
09.45 "Ватанпарвар".
10.30 1. "Дидар". 2. "Рангинкамон".
11.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.30 "Ҳидоят сари".
13.00 Анонс.
13.10 "Қуш одам". Б/ф.
14.45 "Олий қадрият".
15.05 Миллий сериал. "Вақт қадри".
15.35 "Муъжизалар макони".
16.05 Анонс.
16.15 "Бехаловат ҳимоячилар". Т/с.
17.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
17.25 Анонс.
17.30 "Заковат".
18.30 "Муносабат". Ток-шоу. (Тўғридан-тўғри эфир).
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.00 "Имконият".
20.20 "Бизнес старт".
21.00 "Ахборот".
21.30 "Менинг боғим".
22.10 – 23.30 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
23.30 "Ватанпарвар".
00.10 "Имконият".
00.30 Миллий сериал. "Фидойилар".
01.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.00 Миллий сериал. "Қалдирғочлар яна қайтади".
03.30 "Тараққиётнинг янги босқичи".
04.00 "Фред қаерда?" Б/ф.
05.35 – 05.55 "Агроолам".

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Чархпалак". Т/с.
07.00 "Давр" ҳафта ичида.
07.30 "Айвон".
08.00 "Туташ тақдирлар". Т/с.
08.40 "13-студия".
09.10 "Гумбаз остида". Т/с. 1-қисм.
10.00 "Давр" ҳафта ичида.
10.30 "Сеҳрли қўллар".
11. 00 "Юрт келажаги".
11.20 "Ёшлар пресс-клуби".
12.10 "Бахт маликаси". Т/с.
12.50 "Телетуҳфа".
13.00 "Давр".
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00 "Айвон".
14.30 "Ишбилармон кишилар". Б/ф.
15.00 "Давр".
16.10 "Меҳмон". Б/ф.
17.20 "Online tahdid".
17.50 "Сеҳрли узук". Т/с.
18.45 "Қизлар мактаби".
19.10 "Бахт маликаси". Т/с.
20.00 "Давр".
20.30 "Дугонажонлар". Т/с.
21.20 "Альбом".
22.00 "Давр".
22.30 "Тушдаги муҳаббат". Б/ф.
00.00 "Online tahdid".
00.40 "Бахт маликаси". Т/с.
01.20 "Мўъжизавий дунё".
03.00 "Қизлар мактаби".
03.30 "Дугонажонлар". Т/с.
04.10 "Айвон".
04.40 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Пойтахт-культура".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Poytaxt-madaniyat".
10.20 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
10.45 "Дунёдан дараклар".
11.00 "Пойтахт-спорт".
11.15 "Мобиль камера".
11.30 "Пойтахт йўлларида".
12.00 "Poytaxt-Hi-tech".
12.15 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
13.00 "Пойтахт на пульсе".
13.15 "Кесишмаган нуқта".
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Рангли телевизор".
18.00 "Пойтахт-Hi-tech" (рус.).
18.15 "Турфа тақдирлар".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Тошкентнома".
19.20 "Касл". Т/с.
20.00 "Сифат назорати".
20.30 "Poytaxt-avto".
20.45 "Poytaxt-интервью".

ДУШАНБА, 20

21.05 "Муҳаббат-мангу". Т/с. /Премьера/.
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Джерри Магуайер". Х/ф.
00.05 "Телетаҳлил".
00.35 "Poytaxt-интервью".
00.50 "Poytaxt-avto".
01.05 "Тошкентнома".
01.25 "Рангли телевизор".
02.10 "Турфа тақдирлар".
02.35 "Пойтахт-культура".
02.50 "Пойтахт-спорт".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қувноқ стартлар".
08.00 Дзюдо. Гаага Гран-при турнири.
10.00 "Эътироф".
10.15 Футбол. Олий лига. "Насаф" – "Пахтакор".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
12.30 Спорт янгиликлари.
12.40 "Автограф судьбы".
13.10 "Ифтихоримсан, спорт!"
13.30 "Соғлом турмуш сари".
14.00 Новости спорта.
14.10 Футбол. Олий лига. "Олмалиқ" – "Навбаҳор".
16.00 "Спорт сабоқлари".
16.30 Спорт янгиликлари.
16.35 Теннис. АТР – WTA турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.30 Новости спорта.
18.45 "Техноспорт".
19.00 Таэквондо. WTF. Ўзбекистон чемпионати.
20.05 "Спорт хандаси".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Спорт янгиликлари.
20.50 Франция чемпионати шарҳи.
21.20 "ФИФА".
22.05 Баскетбол.
23.30 "Юлдузли оқшом".
00.00 Мадҳия.
00.05 Франция чемпионати шарҳи.
00.40 Футбол. Италия чемпионати. "Верона" – "Болонья". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
02.40 Новости спорта.
02.50 Таэквондо. WTF. Ўзбекистон чемпионати.
03.55 "ФИФА".
04.40 – 06.00 Теннис. АТР – WTA турнири.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Қайтар дунё".
06.40 Кексалар даврасида: "Қайнона бисотидан".
07.00 "Қадр топган қадриятлар".
07.30 "Илҳом мавзлари".
08.00 "Маҳалламиз маликаси".
08.30 "Қишлоқ қўйнидаги бахт".
09.00 "Интеллектуал ринг". Телемусобақа.
09.50 "Мутолаа завқи".
10.00 "Сўнмас юлдузлар".
10.30 "Маҳалладошлар".
11.00 "Фермер".
11.30 "Саодатли умр".
12.00 "Жамият ва ҳуқуқ".
12.30 "Аслидек асрайлик".
13.00 "Бир осмон остида".
13.30 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
14.00 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
14.50 "Мутолаа завқи".
15.00 Миллий сериал. "Она дарё".
15.35 "Ноёб институт".
16.00 "Аждодлар хазинаси".
16.30 "Маҳалламиз чавандозлари".
17.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
17.35 "Хатарли кармоқ".
18.00 "Томорқам – хазинам".
18.30 "Бола бошидан".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
19.40 Кексалар даврасида: "Қариси бор уй".
20.00 "Ёшларга иш беринг". Ток-шоу.
20.50 "Мутолаа завқи".
21.00 "Тадбиркорлик – қонун ҳимоясида".
21.30 "Осуда ҳаёт".
22.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
22.40 "Меҳригиё". Ток-шоу.
23.30 "Муаммо ва ечим".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Қайтар дунё".
00.40 "Таҳлил ва талқин".
01.00 "Қайнона бисотидан".
01.30 "Бизнес ва тараққиёт".
02.00 "Машварат".
02.30 "Тадбиркор бўлмоқчиман".
03.00 Миллий сериал. "Она дарё".
03.40 "Жавондаги жавоҳир".
04.00 "Табаррук анъана".
04.30 "Биламиз-ку, аммо..."
05.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
05.30 – 06.00 "Маҳалла – менинг тақдиримда".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Табиатга саёҳат".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Бола бошидан".
08.40 "Митиойлар оиласи".
09.00 "Мультипанорама".
10.30 "Қувноқ алифбо".
11.00 "Мультипанорама".
12.40 "Қувноқ стартлар".
12.55 "Ширинтой-кичкинтойлар".
13.10 "Болалар учун фильм".
14.30 "Сеҳрли қўллар".
14.40 "Болажон ошхонаси".
14.50 "Мультипанорама".
16.40 "Боғбон болажон".
16.50 "Рассом болажон".
17.00 "Мультипанорама".
18.10 "Худойберди бобо мехмонда".
18.20 "Болажон орзуси".
18.30 "Мультипанорама".
19.50 "Болажон устахонаси".
20.00 "Соғлом болажон".
20.20 "Мультипанорама".
21.40 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

СЕШАНБА, 21

06.35 "Спортимиз маликалари".
07.00 "Sport-online".
07.35 "Бизнинг спорт".
08.00 Спорт янгиликлари.
08.10 "Болалар спорти".
08.35 Франция чемпионати шарҳи.
09.05 "Спорт сабоқлари".
09.30 "ФИФА".
10.15 Футбол. Олий лига. "Олмалиқ" – "Навбаҳор".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
12.30 Спорт янгиликлари.
12.40 "Техноспорт".
12.55 Таэквондо. WTF. Ўзбекистон чемпионати.
14.00 Новости спорта.
14.10 Футбол. Олий лига. "Бунёдкор" – "Бухоро".
16.00 "Эътироф".
16.10 "Ифтихоримсан, спорт!"
16.30 Спорт янгиликлари.
16.35 Теннис. АТР – WTA турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Соғломжон-полвонжон".
18.30 Новости спорта.
18.45 "Техноспорт".
19.00 Таэквондо. WTF. Ўзбекистон чемпионати.
20.05 "Спорт хандаси".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Спорт янгиликлари.
20.50 "Соғлом турмуш сари".
21.10 Самбо. Жаҳон чемпионати.
22.10 Германия чемпионати шарҳи.
22.40 Баскетбол.
00.00 Мадҳия.
00.05 Таэквондо. WTF. Ўзбекистон чемпионати.
01.10 Новости спорта.
01.20 "Машҳурлар".
01.45 Германия чемпионати шарҳи.
02.10 Баскетбол.
03.35 Самбо. Жаҳон чемпионати.
04.40 – 06.00 Теннис. АТР – WTA турнири.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Қайтар дунё".
06.40 Кексалар даврасида: "Қариси бор уй".
07.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
07.40 "Бола бошидан".
08.00 "Под одним небом".
08.30 "Автотелемактаб".
09.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
09.40 "Тадбиркорлик – қонун ҳимоясида".
10.10 "Меҳригиё". Ток-шоу.
11.00 "Телевизион миниатюра".
11.30 "Таҳлил ва талқин".
12.00 "Step by step".
12.30 "Қайнона бисотидан".
13.00 "Бизнес ва тараққиёт".
13.30 "Машварат".
14.00 "Тадбиркор бўлмоқчиман".
14.30 "Илҳом мавзлари".
15.00 Миллий сериал. "Она дарё".
15.40 "Қадр топган қадриятлар".
16.00 "Интеллектуал ринг". Телемусобақа.
16.50 "Мутолаа завқи".
17.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
17.40 "Маҳалламиз маликаси".
18.10 "Мутолаа завқи".
18.30 "Репортер".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
19.30 Кексалар даврасида: "Табаррук анъана".
20.00 "Халқ билан юзма-юз".
20.30 "Маҳалла – менинг тақдиримда".
21.00 "Жавондаги жавоҳир".
21.30 "Биламиз-ку, аммо..."
22.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
22.40 "Фермер".
23.10 "Саодатли умр".
23.30 "Жамият ва ҳуқуқ".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Қайтар дунё".
00.40 "Ноёб институт".
01.00 "Маҳалламиз чавандозлари".
01.30 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
02.20 "Аждодлар хазинаси".
02.50 "Атлас жилоси".
03.00 Миллий сериал. "Она дарё".
03.40 "Қонунчиликдаги янгиликлар".
04.00 "Шукрона".
04.30 "Муаммо ва ечим".
05.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
05.30 – 06.00 "Ён қўшним – жон қўшним".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Табиатга саёҳат".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Бола бошидан".
08.40 "Ланди-ланди".
09.00 "Мультипанорама".
10.30 "Қувноқ алифбо".
11.00 "Мультипанорама".
12.40 "Қувноқ стартлар".
12.55 "Ширинтой-кичкинтойлар".
13.10 "Болалар учун фильм".
14.30 "Сеҳрли қўллар".
14.40 "Болажон ошхонаси".
14.50 "Мультипанорама".
16.40 "Боғбон болажон".
16.50 "Рассом болажон".
17.00 "Мультипанорама".
18.10 "Худойберди бобо мехмонда".
18.20 "Болажон орзуси".
18.30 "Мультипанорама".
19.50 "Болажон устахонаси".
20.00 "Соғлом болажон".
20.20 "Мультипанорама".
21.40 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

(Давоми келгуси сонда)

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***18 ноябрь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан гарбга томон секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4, кундузи — 13-15 даража илиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***18 ноябрда*** *Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани 295-сонли МТМ озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Умумий суммаси 7 000 000 сўм.

Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Маълумотлар учун тел: (97) 770-90-14

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Халқ таълими бўлими баннер харид қилишга ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Умумий қиймати 100 000 000 сўм.

Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Маълумотлар учун тел: 244-65-03

"Сергели тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Эшниёзова Шоҳида Қодировна номига нотурар жой учун берилган Сергели тумани, Сергели-2 мавзеси, 17-уй, 57-хонадоннинг TS 0105926 рақамли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд вилояти Қўшработ тумани ТСРЎИ томонидан 28.06.2011 йилда №0001201 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, "ZARKENT QURUVCHI" ХК (ИНН 302039810) таъсисчининг 16.11.2017 йилдаги №1 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон орқали қабул қилинади +99894 615-25-19

2-Республика тиббиёт коллежи маъмурияти 2017-2018 ўқув йили учун коллежда дарс берадиган фармацевт-педагог ҳамда шифокор-педагог ўқитувчиларни ишга қабул қилади. Мурожаат учун: 2-Республика тиббиёт коллежи Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Туркқўрғон кўчаси, 9-уй. Тел: (8-371) 226-70-66

"Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси, 9-уйда жойлашган "BEKTEMIR KICHIK SANOAT ZONASINI BOSHQARISH DIREKSIYASI" ДУК ҳудудидаги бўш ер майдонига бино ва иншоот қуриб ижарага беришга тадбиркорлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Мурожаат учун телефонлар: +99895 146-16-10, +99890 997-32-93

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи томонидан 2015 йилда Расулова Дилдора Ғофур қизи номига берилган К № 0257444 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент темир йўл муҳандислари институти томонидан 2013 йилда Уролбоев Қаҳрамон Куролбоевич номига берилган В № 678317 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси Муҳиба Музаффаровна Алимовага турмуш ўртоғи

Шариф аканинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4405

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1135

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4021 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 22.40

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ